



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



Шахриёр Шодиёрович Тураев Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари	74
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти	79
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари	83
Latofat Tolibovna Yuldosheva Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand	87
Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari	93
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари	99
Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари	104
Мухауво Вахрллоевна Хамроева Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili	109
Парвина Аслиддин қизи Холматова Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти	113
Kamol Sharifovich Yuldashev Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari	117
Анжим Айдосбаевна Ембергенова Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари	123
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Гўзалхон Ақром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари	129
Мохиғул Эркиновна Ахтамова Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию	135
Nargiz Toxirovna Sattarova Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish	139
ИНВЕСТИЦИЯ	
Ақрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций	143
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari	148

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Aydın, D. ve Yılmaz, C. (2010). Temel Sağlık Hizmetleri Genel Müdürlüğü (Sağlık Turizmi Birimi) Medikal Turizm Araştırması (Birinci Bölüm) Ankara, Ekim–Aralık.
2. Ataman H., Esen M. F. ve Vatan A. (2017). Medikal Turizm Kapsamında Sunulan Sağlık Hizmetlerinde Kalite Ve Hasta Güvenliği, Uluslararası Sağlık Yönetimi ve Stratejileri Araştırma Dergisi, 3(1):28-44
3. Bulut A. ve Şengül H. (2019). Dünyada ve Türkiye’de Sağlık Turizmi, Yönetim, Ekonomi ve Pazarlama Araştırmaları Dergisi, 3(1):45-62. © 2019 Yönetim, Ekonomi ve Pazarlama Araştırmaları Dergisi
4. Aydın, O. (2012). Türkiye’de alternatif bir turizm; sağlık turizmi. Karamanoğlu Mehmetbey Üniversitesi Sosyal Ve Ekonomik Araştırmalar Dergisi, 2012(2):91-96.
5. Aydın D., Constantinides C., Mike C., Yılmaz C., Genç A. ve Lanyi A. (2012). Sağlık Turizminde Süreçler ve Aracı Kuruluşlar Araştırma Raporu, Sağlık Bakanlığı Sağlık Hizmetleri Genel Müdürlüğü, Ankara.
6. Bakır A. (2018). Geç Orta Çağ Avrupa’sında Tıp ve Tababet. Ortaçağ Araştırmaları Dergisi, (1):101-18
7. Balaban, M. (2010). Dünyada Ve Türkiye’de Sağlık Turizmi, Efil Yayınevi, Kasım 2010, Yayın. No: 87, Türkiye Sağlık Vakfı Raporu.
8. Baukute, G. (2012). Medical Tourism: The Analysis of Positive Aspects of Establishing Medical. Tourism Sector in Lithuania, Doktora tezi, Central European University Department of Public. Policy, Budapeşte.
1. Thalassotherapy. Journal of Coastal Research, 25(4):838–56.
2. <https://docs.wixstatic.com>
3. www.saturk.gov.tr

<p>Ш.Хашимова</p> <p>Оздоровительный туризм в зарубежных странах и особенности его развития</p> <p>Аннотация: в статье представлены сведения об оздоровительном туризме, кратко описаны реформы, проводимые и проводящиеся в сфере оздоровительного туризма в мире и в Турции, анализируется потенциал оздоровительного туризма во всем мире, об интересах туристов, а также предложения и рекомендации по дальнейшему развитию оздоровительного туризма.</p> <p>Ключевые слова: оздоровительный туризм, медицинский туризм, медицинские услуги, лечение, оздоровительный туризм в Турции, операции, здоровье.</p>	<p>Sh.Khashimova</p> <p>Health tourism in foreign countries and characteristics of its development</p> <p>Abstract: the article provides information about health tourism, briefly describes the reforms carried out and being carried out in the field of health tourism in the world and in Turkey, analyzes the potential of health tourism around the world. The article contains information about the interests of tourists, as well as suggestions and recommendations for the further development of health tourism.</p> <p>Keywords: health tourism, medical tourism, treatments, health tourism in Turkey, operations, health.</p>
--	--

Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов – Наманган муҳандислик-технология институти доценти, PhD

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ, ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада халқаро туризм индустрияси ривожланиш динамикаси таҳлили, уларни шаклланиш тенденциялари асосида халқаро туристик оқимларни кўпайтириш йўналишлари берилган бўлиб, шу асосда мамлакат туристик индустриясида халқаро туристлар салмоғини ошириш йўллари тақдим этилган.

Калит сўзлар: туризм, халқаро туризм, глобал туристик индустрия, халқаро сайёҳлар, туристик оқимлар, туризмдаги даромад, молиявий инқирозлар, прогнозлаш.

Кириш. Бугунги кунда халқаро туризм жадал ривожланиш даражасига чиқиб бормоқда, Халқаро туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2018 йилда халқаро туризм индустрияси 319 миллион иш ўринларини яратди, умумий даромади эса 8,8 триллион АҚШ долларидан ошди. Халқаро туристик барометри кўрсаткичларига қараганда, 2023 йилда 2019 йилга нисбатан пандемиядан олдинги даврга нисбатан туристик индустрия ўз фаолиятини 90 % га тиклади, 975 млн хорижий туристлар саёҳатларни амалга оширдилар. Глобал туристик индустрия 2023 йилда 9,5 трлн АҚШ доллари миқдоридан даромад топди [1]. Туризм индустриясида иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлганлиги сабабли жаҳон иқтисодиётида муҳим тармоқлардан бирига айланиб бормоқда.

Шу сабабдан туризм индустриясидаги ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида прогноз маълумотларни тайёрлаш халқаро миқёсда, балки алоҳида мамлакатлар ва минтақалар даражасида ҳам аҳамияти муҳимдир. 2023 йилнинг биринчи чорагида халқаро сайёҳлар сони пандемиядан олдинги даражанинг 80 фоизига етди (-20 фоиз). 2019 йилнинг шу чорагига нисбатан) га ошди ва Европа ва Яқин Шарқда юқори даражада туристик фаолият қайта тикланиш юз берди, 2022 йил учун 66% тикланиш даражасига эга бўлди. 2023 йилнинг биринчи чорагида халқаро туризм 86 фоизга ўсди, биринчи уч ой ичида халқаро миқёсда 235 миллиондан ортиқ туристлар саёҳатга чиқишган, 2022 йилнинг шу давридагидан икки баравар кўпдир. Яқин Шарқ энг кучли кўрсаткичга эга бўлди, (+15%) ва тўлиқ чоракда пандемиядан олдинги рақамларни тиклаган дунёдаги биринчи минтақа сифатида эътироф этилди ва туристик фаолиятни қайта таклаш бўйича Европага етиб олди. 2023 йилнинг 1-чорагида пандемиядан олдинги ҳолатга нисбатан дунё туристик индустрияси ўз фаолиятларини 90% қайта тиклаш имкониятига эга бўлдилар.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Австрия, Канада, Франция, Испания, Швеция, Буюк Британия ва АҚШда биринчилардан бўлиб, туризм индустриясини ривожлантирилди ва иқтисодий тадқиқотларни туризм индустриясига бағишланди. Кейинги 50 йилда жадал суръатларда туризм индустрияси ўрганила бошланди [2], туристик индустрия муаммолари ва уни ечимлари бўйича илмий ишланмалар тайёрлана бошланди. Асосий тадқиқотлар эса 1960 йиллардан бошланди, М.Клоуссон ва Д.Клетч (Clawson M. and Knetsch J.L) лар томонидан “Табиатда дам олиш иқтисодиёти” номли китобларини [3] ва 1970 йилларда Грэй (Gray H.P.) эса “Савдо ва халқаро поездларни ўзаро боғлиқлиги” номли китобини нашр эттирди [4]. Шу пайтдан бошлаб иқтисодчиларни туризм индустриясига бўлган қизиқишларини орттириб юборди, 1995 йилда биринчи илмий журнал “Tourizm Economics” нашр этирила бошланди. Бу журналнинг асосий тадқиқотлар объекти сифатида туризм иқтисодиёти муаммолари ва уларни молиялаштириш масалаларига бағишланди. 2007 йилда туризм иқтисодиёти халқаро ассоциацияси (International Association for Tourism Economics - IATE) ташкил этилди.


Туризм индустриясидаги молиявий инқирозларга бағишланган тадқиқотлар эса Блейк (Blake 20035)), Памбуди (Pambudi 2009 [6]), туризмдаги даромадлар ва уларни қамбағалликни қисқартиришдаги ролига бағишланган ишлар билан Блейк, Синклер (Blake, Arbache, Cinkler Teles 2008 [7], Wattanakuljarus Coxhead 2008 [8]) ва бошқалар шуғулланишган. Кейинги босқичда эса туризм иқтисодиёти тўлов қобиляти, прогнозлаштириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар Крауч (Crouch 1994 [9])лар олимларни ишларида учратиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган изланишлар биринчи навбатда халқаро туризм индустриясини жадал ривожланишини таъминлаш, халқаро туристлар оқими йўналишлари дунё минтақалари кесимида таҳлил қилинган бўлиб, замонавий халқаро туризм шакллари истиқболдаги ривожланиш йўналишлари тақдим этилган. Бугунги кунда туризм индустриясини ривожланиши таҳлил қилишда эконометрик моделлаштириш, кузатув ва башоратлаш усулларидан кенг фойдаланилган. Бундан ташқари тадқиқот ишини бажаришда маълумотларни тўплаш, монографик кузатиш, таққослаш,

гурухлаштириш усулларидан кенг фойдаланилган. Халқаро туризм индустриясини жадал ривожланиши бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Кейинги ўринларда Африка ва Америка 2019 йилда тахминан 85% га туристик фаолиятни қайта тиклашга эришдилар, ҳамда Осиё ва Тинч океани минтақаси эса пандемиядан олдинги даражанинг 54% га кўтарилди. Дунё хўжалигининг субрегионлари бўйича Ўртаер денгизининг Жанубий Европаси қисми (+1%) ва Шимолий Африка (+4%) 2019 йилга нисбатан тикланди. Халқаро туризм тушумлари 2022 йилда 1 трл. АҚШ долларини ташкил этди, реал кўрсаткичларда 50% га ўсди, 2021 йилга нисбатан ва пандемиядан олдинги даражанинг 64%ига етди.

Келгуси Шимолий ярим шарда ёз мавсумига кучли талаб мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда юқори даражадаги туристик фаолият кутилмоқда. Бунга сабаблардан бири қулай об-ҳаволи мавсум кутилаётганлиги учун кўплаб туристик меҳмонхона ва отеллар буюртмалар қабул қилишни бошладилар. Бундан ташқари пандемиядан сўнг Хитой Халқ Республикаси ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари очилиши муносабати билан 2023 йил қулай туристик мавсум сифатида эътироф этила бошланди, аммо 2023 йил охирларига келиб, Хитой Халқ Республикаси, бошқа Осиё мамлакатлари Гонконг гриппини кучайиши кузатила бошланди, 2024 йилги туристик мавсум тўғрисида башоратларда эса туристик танаффуслар бўлиши кутилмоқда. UNWTO экспертлар гуруҳи сўрови шуни кўрсатдики мутахассисларнинг деярли 70 фоизи янада яхши ишлашни кутишмоқда, 2023 йил аёло даражадаги туристик мавсум бўлди. Жаҳон Сайёҳлик Ташкилоти қисқа муддатли туризм тенденцияларини мунтазам равишда кузатиб боради ва уларга тегишли таҳлиллар билан туристик фаолиятдан манфаатдор томонларга тақдим этиб боради. Халқаро туризм ҳар йили бир неча марта янгиланади ва ўз ичига оладиган туризм йўналишлари бўйича сўнгги маълумотларнинг таҳлилларини амалга оширади.



1-расм. Халқаро туристлар ташрифи, млн, киши¹

2023 йилнинг биринчи чорагида халқаро туризм 86 фоизга ўсди, шу даврда 235

¹ UNWTO World Tourism Barometer. Volume 21. Issue 2.may 2023

миллион сайёҳ саёҳат қилган, бу кўрсаткич 2022 йилнинг шу давридагидан икки баравар кўп. Бу натижалар Жаҳон Сайёҳлик ташкилотининг 2023 йилга мўлжалланган истиқболли сценарийларига мос келади. Халқаро ташрифлар жорий йилнинг охиригача пандемиядан олдинги даражанинг 80% дан 95%игача тикланади. АҚШ Миллий саёҳат маълумотларига кўра ва Туризм идораси АҚШнинг Европага саёҳати йўналишида кучли ўсишда давом этди ва 118 % ни ташкил этди. 2023 йилнинг 1-чорагида 2019 йилнинг 1-чорагига нисбатан келганлар сони, шу жумладан Қатар (+98%), Саудия Арабистони (+64%), Албания (+54%), Синт-Мартен (+51%) ва Эфиопия (+46%) ва бошқа йўналишлар бу икки рақамли ўсишдан иборат бўлди. Шу билан бирга Болгария, Сербия (иккаласи +27%), Эл Салвадор (+26%), Андорра (+23%), Босния ва Герцоговина (+22%), Танзания (+21%), Колумбия (+18%), АҚШ Виржиния ороллари (+17%), Марокаш (+17%) февралгача), Гватемала, Португалия, Туркия (барчаси+14%, Гондурас (+13%), Сан-Марино (+12%), Доминикан Республикаси (+11%) ва Кипр (+10%).

Юқоридаги маълумотлардан шуни англаш мумкинки, 2019 йилда пандемиядан олдинги ҳолатда халқаро туризм индустрияси барқарор ривожланган бўлиб, халқаро туристлар сони дунё бўйича 1млрд 465 млндан ортиқ бўлган, 2020 йилда эса халқаро туристлар сони 407 млнга, 2021 йилда 456 млнга, 2022 йилда 963 млнга етган. Аммо 2022 йилни 2019 йилга нисбатан фарқини ўрганадиган бўлсак, 502 млнга камайди, Европа мамлакатларига 2019 йилда 743 млн хорижий туристлар ташриф буюрган ҳолда 2020 йилда 239 млн туристлар, 2021 йилда 304 млн турист, 2022 йилда 594 млн туристлар ташриф буюрган. Осиё ва Тинч океани мамлакатларига эса 2019 йилда 360 млн, 2020 йилда 59 млн, 2021 йилда 29 млн, 2022 йилда 100 млн хорижий туристлар ташриф буюрган, Америка қитъасига 2019 йилда 219 млн, 2020 йилда 70 млн, 2021 йилда 82 млн, 2022 йилда 155 млн хорижий туристлар келган, Африка мамлакатларига 2019 йилда 69 млн, 2020 йилда 19 млн, 2021 йилда 19 млн, 2022 йилда 46 млн хорижий туристлар келган, Яқин Шарқ мамлакатларига 2019 йилда 73 млн, 2020 йилда 20 млн, 2021 йилда 25 млн, 2022 йилда 66 млн хорижий туристлар ташриф буюрган.

1-жадвал

Дунё мамлакатлари бўйича туристлар ташрифи, млн¹

№	Дунё мамлакатлари	2019	2020	2021	2022
1	Ривожланган мамлакатлар	777	221	244	541
2	Ривожланаётган мамлакатлар	688	186	212	422

1-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, тўрт йиллик халқаро туристик фаолият юритиш таҳлил қилинган. Ривожланган мамлакатлар бўйича 2019 йилда халқаро туристлар ташрифи 777 млн.та турист, 2020 йилда 221 млн. та 2021 йилда 244 млн. та, 2022 йилда 541 млн. тани ташкил этган. Ривожланаётган мамлакатлар бўйича эса 2019 йилда 688 млн.та, 2020 йилда 186 млн.та, 2021 йилда 212 млн.та, 2022 йилда 422 млн.та халқаро туристлар ташриф буюрган. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, халқаро туристлар ташрифи бўйича ривожланган мамлакатларда юқори суръатлар кузатилди. Аммо 2019 йилдаги халқаро туристлар ташрифи даражасига етмаган ҳолда қайта тикланиш жараёни давом этмоқда.

2-жадвал

Европа бўйича туристлар ташрифи, млн.киши²

№	Минтақалар бўйича	2019	2020	2021	2022
1	Европа	743,9	239,6	304,9	594,5
2	Шимоллий Европа	83,7	23,7	21,9	71,7
3	Ғарбий Европа	205,1	83,5	87,7	167,4
4	Марказий-Шарқий Европа	150,9	44,1	56,3	88,7
5	Жанубий Европа	304,1	88,4	138,9	266,7

¹ UNWTO World Tourism Barometer. Volume 21. Issue 2.may 2023

² UNWTO World Tourism Barometer. Volume 21. Issue 2.may 2023

2-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Европа мамлакатларига 2019 йилда 743,9 млн. та, 2020 йилда 239,6 млн.та, 2021 йилда 304,9 млн.та, 2022 йилда 594,5 млн.та туристлар ташриф буюрган ҳолда 2019 йилда энг юқори ташриф жанубий Европада кузатилган ва 304,1 млн турист ташриф буюрган. 2020 йилда эса Жанубий Европада 88,4 млн ва Ғарбий Европада 83,5 млн туристлар ташрифи билан энг юқори кўрсаткичларни қайд этган. 2021 йилда энг юқори кўрсаткич Жанубий ва Ғарбий Европа кузатилган ҳолда 2022 йилда ҳам жанубий ва ғарбий Европа мамлакатларида кузатилган. Минтақалар бўйича Европа 2022-йилда энг яхши натижаларга эришди ва 550 миллиард АҚШ доллари эквивалентида туризм тушумлари билан пандемиядан олдинги даражаларнинг 87% гача етди. Давлат чегараларини узоқ муддат ёпилиши муносабати билан Осиё мамлакатларида 2022 йилда пандемиядан олдинги тушумларнинг қарийб 28 фоизига етган.

Хулоса ва таклифлар. XXI асрнинг бошларига келиб, дунё туризм индустрияси дунё иқтисодиётида энг ривожланиб бораётган соҳалардан биридир. Туризм индустрияси ривожланиш даврлари халқаро савдо ривожланиши билан узвий боғлиқ. Туризм индустрияси тўғридан-тўғри иқтисодий фаолиятни барча соҳалари билан узвий боғлиқ, туризм анъанавий туристик фаолият билан бирга янги инновацион турларини ривожлантириш бугунки куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Халқаро туризм индустрияси ривожланиш динамикасини ўрганиш орқали туризм соҳасининг ривожланган мамлакатлардаги ҳолат, уларни шаклланиш тенденциялари бир неча гуруҳларга ажартиб ўрганилди:

Биринчидан, пандемия давридан сўнг дунё минтақалари ичидан Яқин Шарқ ва Европа юқори даражада қайта тикланиш босқичини бошдан кечирди;

Иккинчидан, туристлар ташрифи бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги фарқ кескин даражада қисқариш жараёни кузатилмоқда;

Учинчидан, туризм индустрияси ривожлашига таъсир этувчи омиллар гуруҳи глобаллашув, либераллашув, байналмилаллашув кабилар билан кенгая бошлади ва улар таъсири бугунки кунда яққол кўзга ташлана бошлади;

Тўртинчидан, туризм индустрияси пандемиядан кейин давлат томонидан тартибга солишнинг ўртача даражасидаги модели давлатларда ўсиши кузатилди.

Туризм индустрияси ривожланиши мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини кўтарилишига сабаб бўлади. Халқаро туризм индустрияси ривожланишига таъсир этувчи омиллар мавжудки, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади. Уларга байналмилаллашув, либераллашув, глобаллашув жараёнларини киритамиз ва туристик бозорларни очиклашуви натижасида туристик фаолиятда трансмиллий корпорациялар ривожланди, ҳамда туристик меҳмонхоналар занжири шаклланди, стратегик бирлашмалар (альянслар) ташкил этилди, молиявий маблағлар самарали сарфлана бошлади, илмий-техник прогресс ва инсон капиталига бўлган эҳтиёж тубдан ўзгарди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNWTO World Tourism Barometer. Volume 21. Issue 2.may 2023
2. Larry Dwyer, Peter Forsyth, Andreas Papatheodorou. Economics of Tourism. Published by Goodfellow Publishers Limited, Woodeaton, Oxford, OX3 9TJ. Copyright © Goodfellow Publishers Ltd 2011 (http://www.goodfellowpublishers.com / free_files / fileEconomics.pdf).
3. Clawson, M. and Knetsch, J.L. (1966) Economics of Outdoor Recreation, Baltimore : Johns Hopkins University Press.
4. Gray, H.P. (1970) International Travel — International Trade, Lexington, Mass. :D. C. Heath.
5. Blake, A.T. and M. T. Sinclair (2003), “Tourism crisis management: US response to September 11”, Annals of Tourism Research, 30 (4), 813—32.
6. Pambudi, D., N. McCaughey and R. Smyth (2009), “Computable General Equilibrium Estimates of the Impact of the Bali Bombing on the Indonesian Economy”, Tourism Management 30

- 7.Blake, A., J. S. Arbache, M. T. Sinclair and V. Teles (2008), “Tourism and Poverty Relief”, *Annals of Tourism Research*, Vol. 35, No. 1, pp. 107—126.
- 8.Wattanukuljarus, A. & Coxhead, I. (2008) Is tourism-based development good for the poor? A general equilibrium analysis for Thailand. *Journal of Policy Modeling*, 30 (6),929—955.
9. Crouch, G.I. and Ritchie, J.R. (1999) “Tourism, Competitiveness, and Societal Prosperity” *Journal of Business Research* 44, 137—152.

<p>З.Абдулхакимов</p> <p>Динамика развития индустрии международного туризма, тенденции его формирования</p>	<p>Z.Abdulkhakimov</p> <p>Development dynamics of the international tourism industry, its formation tendencies</p>
<p>Аннотация: в данной статье представлен анализ динамики развития индустрии международного туризма, направления увеличения международных туристских потоков исходя из тенденций их формирования и на этой основе представлены пути увеличения удельного веса международных туристов в туристической отрасли страны.</p> <p>Ключевые слова: туризм, международный туризм, мировая туристическая индустрия, международные туристы, туристические потоки, доходы от туризма, финансовый кризис, прогнозирование.</p>	<p>Abstract: this article provides an analysis of the development dynamics of the international tourism industry, directions for increasing international tourist flows based on the trends of their formation, and on this basis, ways to increase the specific gravity of international tourists in the country's tourism industry are presented.</p> <p>Keywords: tourism, international tourism, global tourism industry, international tourists, tourist flows, income from tourism, financial crisis, forecasting.</p>

Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти магистранти

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА САФАРИ ТУРИЗМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада туризм соҳасининг ҳозирги вақтда жуда тез ривожланаётган ва бошқа туризм турларига қараганда долзарб саёҳат тури ҳисобланган сафари туризм турларини Навоий вилоятида ривожлантириш имкониятлари ҳамда сафари туризмни ривожлантиришда Навоий вилоятининг салоҳияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: сафари туризм, ёввойи ҳайвонлар, ов қилиш, Айдаркўл, Навоий Қизилқум чўли, Сармишсой дараси, Нурота тумани.

Кириш. Янги Ўзбекистонда туризм соҳаси иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи драйверларидан бири сифатида белгиланиб, уни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. «...сув омборлари, ўрмон хўжалиги ерларини ўрганиб, хавфсиз ерларда туристик зоналар ташкил этиш мумкин. Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Навоийнинг чўл худудларида «сафари» туризмни ривожлантириш ҳам мумкин» . Бу, ўз навбатида, экотуризмга устуворлик берган ҳолда худудларнинг туризм инфратузилмасини диверсификация қилиш ва модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда туризм соҳасида эришилган натижалар билан бир қаторда сафари туризмни комплекс ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини белгилашга имкон берувчи «сафари» турлари, маданий ва спорт тадбирлари учун инфратузилмани яратиш, янги «туризм кишлок»лар барпо этиш, сафари туризм салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш каби истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларидан буён Ўзбекистонда экологик туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши сафари туризмнинг ҳам ривожланишини тақозо қилди. Чунки, мамлакатимизда, хусусан Навоий вилоятида ҳам сафари туризмни ривожлантириш бўйича

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.